Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РУЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 107 (20. 974) 1991 йил 6 июнь, пайшанба ● Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ● Баҳоси 8 тийин.

«Совет Ўзбекистони», ТАСС, ЎзТАГ ва рўзномамиз жамоатчи мухбирлари хабар берадилар

Қашқадарё вилояти. Муборак районидаги «Гулистон» давлат хўжалиги ўтган йили режадагига нисбатан 6,5 баравар кўп даромад кўрди. Шу маблағнинг ярмига яқини, яъни 1400 минг сўми ишчиларга мукофот сифатида тарқатиб берилди. Кейинги уч йил давомида ижара ва оила пудрати жорий этилганлиги туфайли ана шу ютуққа эришилди.

Суратларда: 1. Пахтакор Мурод Шерқулов ўзига шу йил бошида берилган янги коттеж ҳовлисида. 2. Слесарь Тўхтамурод Жумаевни кўриб турибсиз.

Ш. ШАРОПОВ олган суратлар. (ЎзТАГ).

Шу сонга хабар

●

ЗАФАР ҚУЧИШДИ

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ПИЛЛАКОРЛАРИ ЙИЛЛИК РЕЖАНИ ОШИРИБ БАЖАРДИЛАР.

ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИГА БЕШ МИНГ 870 ТОННА ЮҚОРИ СИФАТЛИ МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИЛДИ. БУ МУВАФФАҚИЯТГА ЛЕНИНГРАД, ФРУНЗЕ, БАҒДОД, ЎЗБЕКИСТОН, КИРОВ, ОЛТИАРИҚ РАЙОНЛАРИ ПИЛЛАКОРЛАРИ АЙНИҚСА, ҚАТТА ҲИССА ҚЎШДИЛАР.

ВИЛОЯТДА ДАВЛАТГА ПИЛЛА СОТИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА.

«Совет Ўзбекистони» мухбири.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

КПСС Марказий Комитети билан Марказий назорат комиссиясининг 1991 йил апрелидаги қўшма Пленуми топшириғига мувофиқ Сиёсий бюро «Коммунистларнинг халқ депутатлари Советларидаги иши тўғрисида» қарор қабул қилди.

Унда таъкидланадики, совет жамиятини ислоҳ қилиш, демократияни қарор топтириш ва халқ депутатлари Советларини янгилаш жараёни қийинчилик билан ва зиддиятли бормоқда. Советлар қизғин сиёсий кураш майдони бўлиб қолди. Мамлакатнинг бир қанча минтақаларида Советларни тугатишнинг бевосита хавфи пайдо бўлди.

Бундай вазиятда партиянинг марказий идоралари, кўпгина партия комитетлари ва ташкилотлари фаол сиёсий ишга тайёр эмасликлари маълум бўлиб қолди, улар вужудга келаётган муаммоларни ҳал этишга доир амалий ҳаракатларда кечикиб қолмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси иттифоқдош жумҳуриятлар Компартиялари Марказий Комитетларининг, республика, ўлка, вилоят партия комитетларининг диққат-эътиборини КПСС XXVIII съездининг сиёсий тизмани янгилаш ва халқ ҳокимияти идоралари сифатида Советларни қатъиян мустаҳкамлашга қаратилган асосий йўлини бундан буён ҳам ўтказиш зарурлигига қаратди. Халқ депутатлари Советлари тарихан ўзини оқлади ва унинг имкониятлари ҳали тугагани йўқ. Афкор оммага тиқиштирилаётган «Советларни тугатиш» ғояси амалда меҳнаткашларнинг кенг табақаларини: ишчиларни, деҳқонларни, зиёлиларни ҳокиятдан четлаштиришни билдиради.

Партия ташкилотларининг вазифаси янги шароитда кўпчилик манфаатларини кўзлаб ҳокиятни самаралли амалга ошира оладиган, жойларда меъёрларни белгилаш ва ижро ишларини уйғун равишда бирлаштира оладиган, ўзининг назорат қилиш вазифаларини тўлатўкис амалга ошира оладиган Советларнинг қарор топишига ҳар томонлама ёрдам беришдан иборат. Советларнинг ҳуқуқий ва моддий-молиявий базасини мустаҳкамлаш учун курашмоқ керак.

Қарорда мамлакатда таркиб топган совет ваколатли демократияси тузилмасини президент ҳокимияти муассасалари билан бирлаштирадиган яхлит давлат ҳокимият тизмасини барпо этиш юзасидан амалга оширилаётган йўл қўллаб-қувватланган. Айни вақтда бунда ваколатли олий органларнинг ҳам Вазирлар Маҳкамаси, ҳам СССР Президенти фаолиятини назорат қилишдаги етарли ваколатлари сақлаб қолиниши лозимлиги таъкидланган.

Сиёсий бюро КПСС СССР Конституцияси ва қонунлари доирасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларини тузишда фаолроқ иштирок этиши, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатига кўпроқ таъсир ўтказиши лозим деб ҳисоблайди. Иттифоқдош жумҳуриятлар Компартиялари Марказий Комитетларининг, партия комитетлари ва ташкилотларининг вазифаси съездларда, конференцияларда, пленумларда кўпчилик бамаслаҳат жамият турмушининг энг муҳим масалалари юзасидан сиёсий йўлни ишлаб чиқишдан, давлат ва хўжалик идораларидаги ўз вакиллари орқали шу йўлни ҳимоя қилишдан, амалий ишларда шу йўлни ўтказишдан иборат.

Партия комитетлари ва ташкилотларига, коммунистларга парламент фаолиятини КПСС сиёсий вазифаларини амалга оширишнинг муҳим шаклларидан бири деб қараб, бу фаолият усулларини қатъият билан ўзлаштириш тавсия этилди. Депутат коммунистларнинг аҳоли кундалик ҳаётининг энг муҳим муаммоларини самарали ҳал қилиши асосий вазифа қилиб қўйилмоғи керак.

Қарорда таъкидланадики, депутат коммунистларни жипслаштиришда, уларнинг Советлардаги бошқа депутатлар фракциялари билан ҳамкорлик қилишида партия гуруҳларининг алоҳида аҳамияти бор. Шу муносабат билан уюшқоқлик, интизом ва масъулиятни мустаҳкамлаш таклиф этилди, бусиз партия гуруҳлари мавҳум бўлиб қолаверади ва ўз имкониятларини рўёбга чиқаришга қодир бўлмайди.

Иттифоқдош жумҳуриятлар Компартияларининг Марказий Комитетларига, партия комитетларига, бошланғич партия ташкилотларига коммунист депутатлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш, уларни доимий ёрдам, маслаҳат ва мадад олиши мумкин бўлган таянч нуқтасига айлантириш тавсия этилди. Коммунист депутатларни сайлаб қўйиладиган партия органларига кўрсатиш, партия комитетлари билан коммунистлар гуруҳларининг қўшма мажлисларини ўтказиш, коммунистларнинг Советлардаги иши тўғрисида партия ташкилотларини ва меҳнат жамоаларини мунтазам хабардор қилиб боришни амалда қўлланиш мақсадга мувофиқдир. Депутатлар — КПСС аъзоларини ва коммунистлар билан ҳамкорлик қилаётган партиясизларни ўқитиш учун ғоявий-назарий тайёргарлик тизмасидан тўла фойдаланилсин.

Сиёсий бюро иттифоқдош жумҳуриятлар Компартиялари Марказий Комитетларига, жумҳурият, ўлка, вилоят партия комитетларига партия гуруҳлари, коммунист депутатлар орқали ССР Иттифоқи ва жумҳуриятларнинг ваколатли идораларида қонун лойиҳаларини таклиф этиш фаолиятини кучайтириш тавсия қилинди.

КПСС илмий ва ўқув юртларига давлат қурилиши ва партиянинг парламент фаолияти соҳасида илмий тадқиқот ишларини авж олдиришга, шунингдек Советлардаги коммунистларнинг иши масалалари билан бевосита шуғулланаётган партия ходимлари ўқувини ташкил этишга доир аниқ топшириқлар берилди.

КПСС оммавий ахборот воситаларига Советларнинг, партия гуруҳларининг (коммунистлар фракцияларининг) иш тажрибасини чуқурроқ таҳлил этиш, ҳолисона ва ҳар томонлама ёритиш, сиёсий баҳслардан ўзини четга олмаслик, масъулиятсиз хуружларга, айрим депутатларга қарши маънавий террор фактларига тегишлича жавоб қайтариш таклиф этилди.

Фармон ва ижро

ИЖТИМОИЙ СИЁСАТДА ФАОЛЛИК КЕРАК

Ҳаракатда баракат

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масаласи жумҳуриятимиздаги ҳар бир партия, совет, корхона, ташкилот ва муассаса раҳбаридан бор имкониятларни ишга солишни, ташаббускорлик ва ташкилотчилик қобилиятини намоён қилишни тақозо этмоқда. Бунда энг муҳими ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг аҳамиятини тушуниб етиш, уларнинг ҳал этиш йўлларини излаб топиш ғоят муҳимдир.

Бухоро вилоят партия қўмитаси ва партия ташкилотлари назорат комиссиясининг қўшма IV пленуми кун тартибига аҳолини ижтимоий ҳимоялаш самарадорлигини таъминлаш масаласи бежиз қўйилмаганди. Ёки Навоий шаҳар ва Свердлов район партия қўмиталари мазкур масалалар юзасидан ҳаракат дастурини ишлаб чиқиб, тегишли халқ депутатлари кенгашларида тасдиқланишига эришишларини дастлабки қадамлар сифатида ижобий баҳолаш мумкин. Шуниси диққатга сазоворки, вилоят партия ташкилотлари коммунистларни ўз ишлаётган жамоат ташкилотлари ижтимоий ҳимоялаш муаммоларини ҳал қилишга сафарбар этишга эришмоқда. Масалан, касаба уюшмаларида меҳнат қилаётган коммунистлар вилоят касаба уюшмаси кенгаши билан вилоят ижроия қўмитасининг бозор иқтисодиёти шароитида меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш тўғрисидаги биргаликдаги ўзаро келишув ташаббускорлари бўлиб чиқдилар. Вилоят касаба уюшмалари қўмитаси товон юзасидан қўшимча тадбирлар ишлаб чиқиш ташаббусини қўллаб-қувватлади.

Ана шулардан келиб чиқиб, ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилинмаган кишилар учун имтиёзлар белгиланиб, нафақалар тўланмоқда, жамоат ташкилотлари томонидан ҳайрия ёрдамлари кўрсатилмоқда.

БОЛАЛАР ВА ОНАЛАР ФАРОҒАТИ

Ўтган йилнинг биринчи июлидан бошлаб кам таъминланган кўп болали 49,6 минг оилага нафақа миқдори оширилиб, шу мақсадлар учун бир ярим миллион сўмдан ортиқ пул сарфланди. Жумҳурият бюджет маблағи ҳисобидан ўтган йилнинг биринчи декабридан бир ярим ёшдан олти ёшгача бўлган болалар нафақаси оширилган эди, шу йил биринчи апрелдан эса ўн олти ёшгача бўлган болаларга қирқ—бир юз ўн сўмгача нафақа тўланмоқда.

Анемия касаллигига чалинган кам таъминланган оилалардаги ҳомиладор аёлларга витамин-терапияси ёрдами кўрсатиш, бепул овқатланишни таъминлаш юзасидан талон тизими жорий этилди. Фақат ўтган йилнинг ўзида шу мақсадлар учун маҳаллий бюджетдан 2900 минг сўм маблағ сарфланди.

В. И. Ленин номли болалар жамғармаси вилоят бўлинмаси ҳам кўп болали ва кам таъминланган оилалар тўғрисида ғамхўрлик намуналарини кўрсатмоқда. Шу йили вилоят хўжаликлари орқали эллик бош сигир олиниб, қишлоқда яшовчи кам таъминланган элликта оилага берилди. Бунга эллик минг сўм сарфланди.

Мактаб ўқувчилари ҳам ғамхўрликдан четда қолмадилар. Биринчи ва бешинчи синфлар ўқувчилари учун текин эрталабки нонушталар ташкил этилди. Бунга маҳаллий бюджетдан 4888 минг сўм сарфланди. Булар, албатта, ҳамир учидан патирдир.

КЕКСАЛАР ИЗЗАТДА

Ўзбекистон ССР Президентининг совет халқининг Улуғ Ватан урушидаги Ғалабасининг 45 йиллиги муносабати билан Улуғ Ватан уруши иштирокчилари, ногиронларига, байналмилалчи жангчиларга, ҳалок бўлган жангчилар оилаларига қўшимча имтиёзлар яратиш тўғрисидаги Фармони юзасидан ҳам қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Вилоятда тўрт минг нафар ногирон, 5162 нафар Улуғ Ватан уруши иштирокчиси, 4273 нафар байналмилал жангчи Фармон бўйича имтиёзлардан фойдаланиб келишмоқда.

Ўтган йилнинг биринчи январидан бошлаб олти юз бешта квартира уруш қатнашчиларига шахсий мулк сифатида берилди. Бундан ташқари тўрт юз йигирма саккиз нафар ногирон ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилалари уй-жой шароитларини яхшилаб олдилар, 731 та квартира ремонт қилиб берилди. Бу мақсадлар учун маҳаллий бюджетдан тўрт юз беш минг сўм маблағ сарфланди. Бир юз олтмиш тўққизта енгил автомашина ҳам берилди.

СИЗЛАР ЁЛҒИЗ ЭМАССИЗЛАР.

Бугунги кунда вилоятда 2631 киши ижтимоий хизматга муҳтож. Шундан 1640 кишига ижтимоий ёрдам бўлимлари хизмат кўрсатишяпти. Ёлғиз кекса фуқароларга вилоят кооперативлари ёрдам беришяпти. Масалан, «Бухоро» кооперативи ёлғиз фуқароларни текин овқат билан таъминлаётир. Кооператив қошида ёзги ва қишки ошхона бўлиб, ўтган йилнинг биринчи августидан саксон нафар ёлғиз фуқаро (шундан йигирма нафарига уйига овқат етказиб берилади) ва бепул овқат берилмоқда.

(Давоми иккинчи бетда).

• Табиий офат зарбасидан сўнг

ҲОВЛИ ТЎЙЛАРИ БОШЛАНДИ

Тўрақўрғон районида истиқомат қилувчи пенсионерлар Р. Аҳмадалиева билан С. Жалилова оиласи тошқин натижасида уйлари бузилганидан сўнг атиги икки ҳафта қийналишди. 1-Узагрострой ва 2-Узагрострой вилоят трестларининг кўчма механизациялашган колоннаси бинокорлари жабрланган оилалар учун қисқа муддатда уйлар қуриб беришди.

Улар айни вақтда тез ва соз ишладилар. Ҳар ҳолда янги уйларга кўчиб кираётганлар бинокорларнинг ишидан мамнун бўлишди. Очиғи, уйлар бу қадар тез суръатда қуриб битказилишини кутмаган эдик, дейишди улар. Қурилишга жумҳурият жамғармасидан маблағ ажратилди.

Бинокорлар яқин кунлар ичида яна учта уйни фойдаланишга топширадилар. Тўрақўрғон районида жами 70 та уй қурилиши керак. Шулардан 55 тасига пойдевор қўйиб бўлинди. Ишларни 2—3 ой мобайнида тугаллаш мўлжалланмоқда. Яна 80 та уй жиддий равишда тўкис-тугал ва жорий ремонтдан чиқарилиши зарур. Вилоятнинг барча қурилиш ташкилотлари ишга жалб этилган. Тўғри, бинокорлик материалларини топиш оғир бўляпти, лекин мутахассислар аҳволдан чиқиш йўлини топдилар: маҳаллий материалардан имконият қадар кўпроқ фойдаланишмоқда.

Уй-жойлар билан биргаликда вайрон бўлган кўприклар, суғориш иншоотлари, ишлаб чиқариш биноларини ҳам тикланмоқда.

Н. ХЎЖАЕВА, ЎзТАГ мухбири.

ИШТИЁҚҚА БОҒЛИҚ

Ҳеч гапдан ҳеч гап йўқ бозорда бир пуд буғдойнинг нархи беш—олти сўмга чиқиб кетса-я.

— Биз қимматчилик учун бозордан нолимаслигимиз керак, — дейди Иштиҳон район партия комитетининг биринчи котиби Тўрақўл Йўлдошев. — Чунки агар деҳқон одам мева-чевани бозордан олса тўкинчилик, арзончилик ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Қолаверса, буғдой экган, дон олган, тегирмони бор деҳқон ҳеч қачон хор бўлмаган.

Район раҳбарлари оқсоқоллар билан келишиб, қишлоқлардаги 26 та тегирмонни таъмирлаб, ишга туширишди. Бундан ташқари 36 та жувоз ҳам тикланди. Иш шунчалик авж олдики, айрим пайтда тегирмонга дон етмай қолди.

Бу муаммонинг ҳам ўзига хос ечими топилди. Авваллига бултурги 5600 тонна ғалланинг барчаси аҳолига тарқатилди. Кейин эса хўжаликлар деҳқонларнинг қўшимча томорқаларига дон экиб берди. Ҳозирги кунда ғалла ўроққа тайёр бўлай деди. Бу иш аҳолига жуда маъқул тушди. Чунки кўпчилик майда экинлар экиб уддалай олмайди, ортиқча дони ҳам йўқ. Районда эса бу ишлар марказлаштирилган ҳолда амалга оширилди. Энди ўзингиз ўйлаб кўринг. Агар ҳар гектаридан 40 центнердан дон олинса, 15 сотих ери бор киши бир тонна ғаллалик бўлади. Бошқача айтганда, унинг кўзи ҳам тўқ, қорни ҳам. Дарвоқе, қўшимча томорқалар учун ажратилган 1374 гектар ердан олинадиган ҳосил ҳар кимнинг меҳнатига, ернинг унумдорлигига қараб бўлиб берилди. Томорқа соҳиби уруғ, техника хизмати учун маълум миқдорда ҳақ тўлайди.

Буғдойдан бўшаган майдонларга оқ жўхори, мош ва бошқа донли экинлар экилади. Хулоса қилиб айтганда, райондаги барча тегирмон ва жувозларнинг унумли ишлашига имконият яратилади.

Кўзи тўқнинг Ўзи тўқ

Ф. ТОШЕВ, «Совет Ўзбекистони» мухбири.

ФЕДЕРАЦИЯ КЕНГАШИДА

Федерация Кенгашида Шимолий Осетия ССРда вужудга келган оғир аҳвол муҳокама қилинди. Жанубий Осетия, Тбилиси ва грузиянинг бошқа районларидан қочоқлар оқими кўпаймоқда. Осетин миллатига мансуб фуқароларни сунъий равишда жумҳуриятдан чиқиб кетишга мажбур қилмоқдалар — уларни ишдан бўшатмоқдалар, улар осетин аҳолига нисбатан миллий нифоқ қучайтирилиши оқибатида ўз уй-жойлари ва мол-мулкини қолдириб кетишга мажбур бўлмоқдалар. Зилзила натижасида Жанубий Осетиядаги ўн минглаб оилалар бошпанасидан маҳрум бўлганлиги вазиятни тағин ҳам чигаллаштирмоқда.

Федерация Кенгаши бу сиёсатни СССР Конституцияси ва инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларни қўпол равишда бузиш деб баҳолаб, уни қатъий қоралади. Грузия раҳбарияти осетин миллатига мансуб фуқароларни жумҳуриятдан қисиб чиқаришга қаратилган ғайридемократик, ғайриинсоний йўлдан воз кечиши, ўзини мунтазам равишда содиқ деб эълон қилаётган демократия қоидаларига мувофиқ ҳаракат қилиш лозим. Иттифоқдош ҳдоралари таъқиб этилаётган совет фуқароларининг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарур чораларни кўришга мажбурдир.

ИШБИЛАРМОНЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов республика ишбилармонларининг биринчи съезди арафасида унинг қатнашчилари билан учрашди.

Учрашувда Ўзбекистон ССР вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов қатнашди.

(Учрашув ҳақидаги ҳисобот рўзноманинг навбатдаги сонида эълон қилинади).

ТАШКИЛОТ КОМИТЕТИНИНГ МАЖЛИСИ

Июнь ойи ўрталарида бўладиган «Тошкент ишбилармонлар учрашуви»га қандай тайёргарлик кўрилаётгани ташкилот комитетининг навбатдаги мажлисида муҳокама қилинди. Мажлис Ўзбекистон ССР вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов раислигида ўтди.

Кўпгина хорижий фирмалар, банклар, компаниялар-нинг вакиллари қатнашадиган июнь анжумани жумҳуриятда ишбилармонлар фаолиятини жонлантиришга кўмаклашиши таъкидланди, у хорижий сармояни жалб этишга, жумҳурият корхоналарининг халқаро бозорга чиқишига ёрдам беради.

Ташкилот комитетининг мажлисида ишчи гуруҳлари раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди.

(ЎзТАГ).

М. С. Горбачев Ослога жўнаб кетди

СССР Президенти М. С. Горбачев 5 июнь куни Москвадан Ослога жўнаб кетди. У Норвегия пойтахтида Нобель тинчлик мукофоти лауреати сифатида анъанавий лекция ўқийди. Маълумки, бу юксак халқаро мукофот унга тинчлик ишига қўшган жуда катта ҳиссаси учун 1990 йилда берилган эди.

Айни пайтда бу СССР Президентининг Норвегияга амалий ташрифи бўлиб, шу ташриф доирасида олий даражада Совет—Норвегия учрашуви бўлади.

М. С. Горбачевнинг Норвегияга ташрифи тугаганидан сўнг у қисқача амалий ташриф билан Швецияга ўтади.

Внуково аэропортида СССР Президентини СССР вице-Президенти Г. И. Янаев, СССР Олий Кенгашининг Раиси А. И. Лукьянов, СССР Бош вазири В. С. Павлов, КПСС Марказий Комитети Бош котибининг ўринбосари В. А. Ивашко, Хавфсизлик Кенгашининг аъзолари, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

(ТАСС).

* * *

ОСЛО, 5 июнь. (ТАСС махсус мухбирлари). СССР Президенти Михаил Горбачев бугун Норвегияга ташриф буюрди. У 1990 йилги Нобель тинчлик мукофоти лауреати сифатида анъанавий лекция ўқийди, лекция ўқиш Нобель мукофоти маросимининг таркибий қисмидир. Ташриф режаларида Норвегия Бош вазири Гру Харлем Брундтланд билан музокаралар олиб бориш, қирол Харальд ҳузурида бўлиш кўзда тутилган.

Халқаро Форнебю аэропортида СССР Президентини Гру Харлем Брундтланд, Норвегия Нобель комитетининг раиси Франсис Сейерстед, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

• ФАРМОН ВА ИЖРО

ИЖТИМОИЙ СИЁСАТДА ФАОЛЛИК КЕРАК

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Айни чоғда жамоат ташкилотлари томонидан ҳайрия ёрдамлари ҳам кўрсатиляпти. Наврўз байрами арафасида ўтказилган вилоят радиомарафонида 197 минг сўм маблағ тўпланди, булар ёлғиз кишиларнинг моддий фаровонлигини яхшилашга сарфланди.

ОТАЛИҚ ЁРДАМ

Етим-есир ва ота-оналар, назоратисиз қолган болалар ҳақида ғамхўрлик қилишга ҳам алоҳида эътибор бериляпти. Улар тарбиявий муассасалар ихтиёрига олинган. Тўрт юз ўн болани ўз бағрига олган муассасанинг моддий базаси бирмунча мустаҳкамланди. Бир юз эллик ўринли «Болалар уйи» фойдаланишга топширилди. У оталиқ ташкилотлари билан мустаҳкамланди.

Бухоро, Зарафшон, Қоғон, Ғиждувон, Навоий шаҳар ва районларининг кўпгина корхоналари 32-мактаб-интернат тарбияланувчиларини — бир юз йигирма нафар етим болани ўз оталиғига олдилар. Бухоро гўшт комбинати жамоаси ўн икки нафар кам таъминланган оилани ўз оталиғига олди, ўтган йилнинг июлидан бошлаб уларга ҳар ойда юз сўмдан тўламоқда.

ТАЛАБАЛАР МАМНУН

Ўзбекистон ССР Президентининг 1990 йилнинг 4 сентябридаги аспирантлар, олий ўқув юртлари талабалари ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг стипендияларини ошириш ҳақидаги Фармонига кўра, вилоятда ўн беш мингдан зиёд талабанинг шунингдек, шахсий квартираларда яшовчи беш мингдан ортиқ талабанинг стипендияси оширилди, улар эндиликда ойига қўшимча 10 сўмдан олишади. Бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида ҳар бир талабага овқатланиш учун бир кунда бир ярим сўмдан компенсация тўланди, май ойидан эса бу мақсадлар учун пул жумҳурият вазирликлари маблағидан сарфланади.

Вобкент районининг бир қатор корхоналари, жумладан, район ремонт-ишлаб чиқариш корхонаси, Калинин номли, Энгельс номли ва Охунбобоев номли жамоа хўжаликлари мактабларни ўз оталиқларига олдилар, кам таъминланган оилалар болаларига, яъни уч юз уч аълочи ўқувчига стипендия белгиладилар. Шу мақсадлар учун ўн икки минг сўмдан ортиқ пул ажратилди. Айни пайтда фермер хўжаликларининг мактаблар билан оталиқ алоқалари ҳам ўрнатилмоқда. Жумладан, Охунбобоев номли жамоа хўжалиги фермери Бақо Рашидовнинг икки гектар ери, тўрт юзта паррандаси, ўттизта чўчқаси, етти қорамоли, балиқ ҳавзаси бўлиб, қишлоқ мактабини сут, гўшт, балиқ ва тухум билан таъминлаб турибди.

ТАШАББУСЛАР МАЪҚУЛЛАНДИ

Халқ депутатлари вилоят кенгаши раёсати билан жумҳурият Енгил саноат вазирлиги таҳрир ҳайъати биргаликда қабул қилган қарорда вилоятдаги енгил саноат меҳнат жамоаларининг корхоналарида овқатланиш учун товон тўлаш (ҳар бир кишига кунига бир сўмдан ошмаслиги керак) юзасидан ишлаб чиққан тадбирлари маъқулланди. Вилоят касаба уюшмалари кенгаши раёсати қарорига кўра, ўн иккита корхона, ташкилотнинг қўшимча компенсация тўлаш тадбирлари қўллаб-қувватланди. Жумладан, вилоят алоқа бошқармаси ва тармоқ касаба союзлари маъмурияти юқоридаги мақсадлар учун ўтган йил давомида 1,5 миллион сўмга яқин маблағ ажратишга қарор қилди. Шу маблағ ҳисобига ҳар бир ходимнинг ойлик маошини ўртача ўттиз сўмга, мукофотлар миқдорини ўн фоизга ошириш, ўз ходимларини радиога, фахрийларни телефонга ҳақ тўлашдан озод қилиш, ошхоналарда овқатланиш қиймати учун, корхоналар қарамоғидаги болалар боғчаларида ота-оналар бадаллари учун товон тўлаш мўлжалланмоқда.

Навоий цемент заводи маъмурияти ва касаба уюшмаси қўмитаси ишчилари овқатига товон харажати учун қўшимча маблағ қидириб юз минг сўм, 6-темирбетон буюмлари заводи эса етмиш икки минг сўм, 163-трестнинг 396-кўчма механизациялашган колоннаси олти минг сўм, Пролетаробод технология транспорти ва махсус техника корхонаси уч юз етмиш минг сўм пул ажратдилар.

Нарх-навонинг ошиши муносабати билан «Ўзбекгазпромстрой» трести маъмурияти ва касаба уюшмаси қўмитаси шу йил 1-майдан ишчилар ва хизматчиларнинг иш ҳақини ўз молиявий манбалари ҳисобидан қирқ фоизга, «Газлитрансгаздобича» бошқармаси эса ўттиз фоизга ошириш ҳақида қарор қабул қилдилар.

Бухородаги «Октябрь 40 йиллиги» фабрикаси апреллдан ишчилар учун бепул овқат ташкил этди. Харажатлар ўн етти минг сўмдан ортиқ. Май ойидан бошлаб мукофотлар миқдори йигирма беш фоизга ошди. Бухоро тажриба-ихтисослаштирилган заводида тушки овқатга бепул талон жорий этилди, ишчиларни иш жойига келтириб қўйиш учун транспорт сарф-харажатларига тўла товон тўланяпти.

ФЕРМЕРЛАР

Вилоят коммунистлари аграр сиёсатда дадил ҳаракат қилиб, меҳнатни ташкил этишнинг илғор усулларини кенг жорий этишяпти. Деҳқонлар фермер хўжаликларини ривожлантириш бўйича ижобий тажрибалар тўплаган. Айниқса, бу борада Ромитан, Свердлов, Пешку районларида ишлар яхши йўлга қўйилган.

Бугунги кунда 2756 та деҳқон фермер хўжаликлари бўлиб, улар қарамоғида ўн олти мингдан зиёд қорамол бор. Ўтган йили улар 564 тонна гўшт, ўн уч минг тонна сут, бу йил эса беш юз эллик тонна гўшт, беш минг тоннадан ортиқ сут етиштирдилар. Шу вақт ичида фермер хўжаликларига ижтимоий-фойдали меҳнат билан банд бўлмаган қишлоқ аҳолисидан ўн бир мингдан ортиқ киши жалб қилинди, уларнинг ҳаммасига меҳнат дафтарчалари берилди. 1995 йилнинг охиригача фермер хўжаликларини уч ярим мингтага етказиш ва уларга уч мингдан зиёд кишини жалб этиш кўзда тутилмоқда.

Пешку районидаги «Москва» жамоа хўжалигидан фермер Талаб Фаттоев вилоятда биринчилардан бўлиб ана шу истиқболли ишни амалга оширишга бел боғлади. Ҳозирги вақтда у оиласи билан ўттиз битта қорамолни, шу жумладан, ўнта соғин сигирни парвариш қиляпти. Ўтган йили улар оиласи давлатга бир тоннадан ортиқ гўшт, йигирма олти ярим тонна сут топширди. Фермернинг режаси шундай: ўз хўжалигини кенгайтира бориб, йил охиригача давлатга гўшт топширишни олти тоннага, сутни эса эллик тоннага етказишдир.

Шу райондаги «Маданият» жамоа хўжалигидан фермер Қувват Хусеновнинг ишлари ҳам диққатга сазовор. У икки ярим йил мобайнида фермасида қорамоллар сонини уч марта кўпайтиришга эришди. Қирқ саккиз минг сўм фойда кўрди. Ўртача ойлик маоши 526 сўмни ташкил этди.

ИШ БИЛАН БАНД БЎЛАЁТГАНЛАР

Вилоят партия комитетлари ва совет органлари аҳолини иш билан таъминлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор бераётирлар. Пешку районидаги Куйбишев номли жамоа хўжалигида ва 21-ҳунар-техника билим юртида Бухоро тўқимачилик комбинати билан келишиб, 120 та тикувчилик дастгоҳлари ўрнатиляпти, «Жангельди» совхози ҳудудида эса мармарни қайта ишлайдиган цех очиляпти, тикувчилик бирлашмаси цехи ишга туширилди. Бу объектларда 250 дан ортиқ киши ишга жойлаштирилиши керак.

Конимех районида Свердловск қувур-ремонт заводининг ишлаб чиқариш участкаси қурилди. «Перестройка» ёшлар марказида эса қўшимча сув қуяди. Тарихни бузиб тушунтириш, партияни беобрў қилиш ва уни барча масалаларда гуноҳкор этишда ҳатто чет эллардаги ғоявий муҳолифларимиз ҳам орқада қолиб кетди. Демократик платформа вакилларидан бири Ю. Н. Афанасьев шундай дейди: «Ленин анъаналарига содиқлик — ҳозирги тузумни сақлашда муҳим восита, унинг охирги истеҳкоми. Шунинг учун партиянинг Ленин билан боғлиқ бўлган барча сифатларидан юз ўгирмоқ керак». В. Солоухиннинг «Огонёк» ойномасида босилган «Худо билан видолашув» сарлавҳали мақоласида эса В. И. Ленин диктатор, террорист, шафқатсиз, носамимий инсон сифатида таъриф этилади. Хўш, бу мулоҳазалар кимларга хизмат этади? Инсон эътиқодига раҳна солиш кимларга керак бўлиб қолди?

Мамлакатимиз ичидаги социализмга қарши ҳаракатнинг бошида КПСС Марказий Комитетининг собиқ аъзолари, партиядан чиқиб олиб, унга қарши кураш олиб бораётган кишилар туриб жон-жаҳдлари билан фаолият кўрсатмоқдалар. А. А. Собчак, А. Ципко, Г. Х. Попов, Ю. Н. Афанасьев ва шу каби кишиларнинг партияга жазава билан бўхтон қилаётганликлари энди ҳеч кимга сир эмас.

Ҳар хил фикрлилик аслида дунёқарашимизни, мафкурамизни турли хил ҳуружлардан ҳимоя қилибгина қолмай, оммавий-ижтимоий онгга салбий таъсир кўрсатувчи қучларни фош этмоғи лозим эди. Демократия ва ошкоралик асло ҳар ким кўнглига келган ишни қилаверади, деган гап эмас. Афсуски, партия ичидаги нособит кучлар эркинлик ва ошкораликдан ССР Иттифоқини бузиб ташлаш мақсадида фойдаланмоқдалар. Аммо шуни ҳам айтиш зарурки, А. Навоий сўзи билан таърифлаганда «Итнинг оғзи теккани билан дарё суви харом бўлмайди», тарихнинг социалистик ижтимоий тараққиёти ўз йўлида давом этаверади. Буни инкор этиладиган ҳақиқатдир.

Социализм қуришда ғарчи амалий хатоларга йўл қўйилган, нотўғри назарий хулосаларга фатво берилган бўлса ҳам, тарихий ютуқлардан кўз юмиб бўлмайди.

КПСС XXVIII съездининг дастурий баёнотида шундай деб қайд қилинади: «Олий мақсадсиз социалистик тараққиётга эришиб бўлмайди, одамлар ўз тарихини унутса ёки менсимай қўйса олий мақсад ўз навбатида амалий заминдан маҳрум бўлади».

Мамлакатимиздаги революцион қайта қуриш, ишлаб чиқариш воситалари ва қуролларига эгаликда ўзгариш ясаш халқ ҳокимиятини тугатишга қаратилган эмас, балки социализмнинг ички имкониятларини тўла рўёбга чиқариш, социалистик демократияни кенг авж олдириш, ҳуқуқий давлатни барпо этиш ва эркин, оқилона, демократик социализмни яратишга қаратилгандир. Ҳозир жамиятимиз ҳақиқий бурилиш жараёнини бошдан кечирмоқда. Олдимиздаги олий мақсадни амалга оширишга ғов бўлиб қолган нарсалардан бутунлай қутулиш, қайта қуришга ёрдам берадиган қучларга кенг йўл очиш, антикоммунизмнинг асл моҳиятини очиб ташлаш — ҳаётнинг қатъий талаби бўлиб қолди.

Мамлакатимиз халқларининг ютуқларига, маънавий қадриятларга бефарқ, нонкўрлик билан қараш ашаддий, тескари сиёсатдонлар тегирмонига сув қуяди. Тарихни бузиб тушунтириш, партияни беобрў қилиш ва уни барча масалаларда гуноҳкор этишда ҳатто чет эллардаги ғоявий муҳолифларимиз ҳам орқада қолиб кетди. Демократик платформа вакилларидан бири Ю. Н. Афанасьев шундай дейди: «Ленин анъаналарига содиқлик — ҳозирги тузумни сақлашда муҳим восита, унинг охирги истеҳкоми. Шунинг учун партиянинг Ленин билан боғлиқ бўлган барча сифатларидан юз ўгирмоқ керак». В. Солоухиннинг «Огонёк» ойномасида босилган «Худо билан видолашув» сарлавҳали мақоласида эса В. И. Ленин диктатор, террорист, шафқатсиз, носамимий инсон сифатида таърифлан

Дўстлик районидаги Саркисов номли давлат хўжалигига қарашли «Тараққиёт» кооперативининг Рўзихон Мамадалиева етакчилик қилаётган пахтачилик звеноси аъзолари 40 гектар майдонга чигит экиб, униб чиққан ниҳолларни меҳр билан парваришламоқдалар. Уларнинг нияти — ҳар гектар ердан режадаги 26 центнер ўрнига 28 центнердан ҳосил олиш.

Суратларда: илғор механизатор Абдушукур Қодиров ҳамда звено бошлиғи Рўзихон Мамадалиева.

У. ҚУШВОҚОВ туширган сурат.

• *Деҳқончилик саноати: иқтисодиёт ва ҳаёт*

ҒАМХЎРЛИК ИФОДАСИ

Меҳнатобод районидаги «Страна Советов» давлат хўжалиги директори Қурбон Холназаров билан суҳбатлашаётганимизда ногаҳон бир аёл йиғлаб кириб келди.

— «Йиғламанг, синглим. Йиғидан наф йўқ. Сиз йиғласангиз, у ҳўнграйди» — деди у кимгадир ишора қилганча аёлни юпатишга уриниб.

Маълум бўлишича, икки киши бир уйга даъвогарлик қилишаётган экан.

— Биласиз-ку, бу масалани бир ўзим ҳал қилолмайман, — дея сўзини давом эттирди директор. — Хўжаликда уй-жой тақсимлаш комиссияси ишлаяпти. Бу масалани ана шу комиссия аъзолари билан маслаҳатлашиб ҳал қиламиз. Шундан сўнг аёл кўнгли анча таскин топиб чиқиб кетди.

— Ҳозир бизда ҳам уй-жой асосий муаммолардан бирига айланган, — деди у. — Жумҳуриятимиз Президенти Фармонига кўра ҳар бир оилага 25 сотихдан, жами 236 гектар ер ажратиб бердик. 515 оилага уй қуриш учун ер берилди. Совхоз ҳисобидан қарз беришни ҳам йўлга қўйдик. Лекин одамларнинг кўпчилиги бу пулни олишмаяпти. Чунки, пул бўлган тақдирда ҳам қурилиш материали топиш амри маҳол.

Бу масаланинг ечимини топишга баҳоли қудрат киришганмиз. Хўжалигимизда ёғочни қайта ишлаш цехи май ойида ишга туширилди. Хўш, ёғочнинг ўзини қаердан оламиз? Аввало, ўз имкониятларимизни ҳисобга олишимиз зарур. Шу мақсадда хўжалигимизда терак экишни йўлга қўйдик. Қолаверса, Россиянинг серўрмон районлари билан шартнома тузишни режалаштирганмиз. Агар улар бизга ёғоч беришса, биз ҳам қараб турмаймиз. Уларни қовун тарвуз, мева-чева билан йил бўйи таъминлаймиз.

Хўжаликда бошқа хайрли ишлар ҳам амалга оширилаётгани бизни қувонтирди. Чунончи, ёш мутахассис Тойиржон Турсунбоев ташаббуси билан қурилган тегирмон бир кунда 800 килограммдан бир тоннагача буғдой тортиб берар экан. Унинг ёнида эса 300 килограммдан ярим тоннагача шоли оқлайдиган кели ишга туширилибди. 53 гектарлик боғдан мўл ҳосил олиш кўзда тутилган. 50 гектар майдонга шоли экилганга алоҳида ташланади. Маълумки, Адольф Гитлер, СС бошлиғи Гиммлер, полиция рейхфюрери Герингларнинг урушда енгилгач, ўлимлари билан боғлиқ ҳар хил миш-мишлар тарқалган эди: баъзилар бу шахсларни ҳуфёна йўл билан жон сақлаш мақсадида чет элга қочиб кетишган дейишса, бошқалари «йўқ, улар ўз жонларига қасд қилишган» деган гапларни тарқатишди.

Аслида, Б. Имомовнинг фактларга суяниб эътироф этишича, Гитлер ўз қароргоҳини ўн олти метрлик чуқурликда жойлашган, саккиз метр қалинликда бетон билан қопланган бункерга кўчирган эди (Форс кўрфазидаги яқинда бўлиб ўтган уруш вақтида Ироқ Президенти Саддам Ҳусайн ҳам Германиядан сотиб олган ана шундай бункердан фойдаланган). Бу ерда у овчарка ити-Блонди, тўртта кучукчалари, Ева Браун хоним, фашист армия раҳбари Вейдлинглар ва бошқа ўзига тегишли кишилар билан вақтинча яшашга, урушни шу ердан кузатишга мажбур бўлди. Бироқ тарих ғилдираги унинг учун тескари айланиб, куни битганлигини яққол сезди. Аввал овчарка итини, тўртта кучукчаларни заҳарлади, ундан сўнг Ева Браун ва ўзини... Шу тарика дунёни ларзага келтирган фюрер шармандаларча ҳалокатга учради. Унинг садоқатли вафодори бўлган Геббельс ҳам фожиадан қочиб қутулолмади. У олдинига хотини Магда билан биргаликда «олтита болаларини вахшийларча заҳарлаб — укол қилдириб ўлдиришган». Кейинчалик немис солдатларидан бирига ўзларини ҳам отиб ташлашларини буюришган...

Ёдноманинг «Ленинград дафтари» қисмида 900 кун очлик исканжасида туриб, фашистларга қақшатқич зарба берган ватандошларимизнинг қаҳрамонликлари етарлича ўз аксини топган.

Иккинчи жаҳон урушида азоб-уқубатларни ўз бошидан кечирган, жон олиб, жон берган юртдошимиз Мажид Самадовнинг фидоийлигига бағишланган «Бўш келманг, қуролдош!» қисми қизиқарли ҳаётий эпизодлар асосида ёритилган. Унда тиниб-тинчимас жангчининг ҳозир ҳам қуролдошларини ахтариб топишдаги жонкуярлиги илиқ сатрларда қаламга олинади.

Ватан ва халқ, келажак авлод тақдирини ҳар доим хушёрлик билан ҳимоя этиб туришлик, манфур урушларнинг олдини олишга чақириқ, отабоболаримизнинг тарихий жасоратларини меҳр-муҳаббат билан эслаб, улар анъаналарига содиқ қолишлик сингари руҳ ушбу ёдноманинг бутун моҳиятига сингиб кетган.

Қ. ЖУРАЕВ,
филология фанлари номзоди.

• *УЛУҒ ВАТАН УРУШИ БОШЛАНГАНЛИГИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА*

ЁДНОМА

Бердиали Имомовни кўпчилик нафақат таниқли адабиётшунос олим, балки фронтчи-жангчи сифатида ҳам танийди. «Ҳорманг, қуролдошлар», «Жанггоҳ садолари» номидаги хотира китобларининг муаллифи Бердиали ака «Сўнгги ҳужум»ни (1990) ҳам нашрдан чиқарди. Кейинги ёдномa Улуғ Ватан урушининг якунловчи йилларини ифодалашни мақсад қилган.

Ёдномa «Ёв маконида» мавзуидаги кичик лавҳа билан бошланиб, унда шу хотиралар мажмуини дунёга келтиришга туртки бўлган ички ҳиссиётлар ўз ифодасини топган.

Б. Имомов 8-гвардиячи армия сафига кирувчи 78-гвардиячи ўқчи дивизия бўлинмаси сафида аввал артиллерияچи, ПТРчи, миномётчи, кейинчалик эса алоқачи бўлиб хизмат қилди. Бошқа миллат вакиллари қаторида ўзбек жангчилари билан ҳамкорликда Одер дарёси соҳиллари ва ниҳоят, Берлинда охирги ҳал қилувчи жангларда қатнашди. У ўз хотираларида қуролдош дўстлари капитан Розенков, старшина Канаш, оддий аскар Юрий Горбунов, аравакаш Павел Коровин сингари жангчиларнинг номларини тилга олади. Берлинга шиддат билан кириб борган Совет Армиясининг жасоратини илиқ сатрларда тасвирлайди. Шунингдек, китоб орқали биз Берлин шаҳрининг тарихи билан боғлиқ бўлган маълумотларни ҳам билиб оламиз.

Китобнинг «Берлиндан салом» қисмида 30 апрель, Москва вақти билан соат 21 дан 50 дақиқа ўтганда 150-ўқчи дивизияга қарашли 756-ўқчи полк разведкачилар взводидан М. Егоров билан М. Кантарияннинг Рейхстаг қуббасига совет ғолиб байроғини зўр машаққатлар ила қадашга муваффақ бўлганликлари ҳақидаги факт ўрин олган. Шунингдек, тарихда руслар Берлинни икки марта ишғол қилганликлари (1760 йил, 1813 йиллар), бу галгиси эса учинчи дафъа эканлиги диалог-суҳбат жараёнида асослаб берилади.

Шу ўринда муаллифнинг синчковлигига эътиборни қаратмоқчимиз: у қаерда, ким билан мулоқотда бўлмасин, албатта ўша суҳбатдошлар, ўша жой номларини мунчоқдек хотира ипларига тиза олган. Буни Берлин шаҳри билан боғлиқ бўлган кўча, парк ва бошқаларнинг номларини айнан эслашида кўриш мумкин. Жанг йўллари ўтган Виктория, Тиргантен парклари, Темпелхоф, Хеппкерштрассе, Нойманштрассе, Штейметштрассе каби кўчалари, Шпрея дарёси, Ландвер канали сингари жой номлари ҳамон эсида сақланиб қолганлиги кўп нарсаларни ўйлашга ундайди. Булардан ташқари ушбу қисмда ўзбекистонлик қуролдошлар Раҳмат Турғунбоев (Зомин) Норбўта Жуманов (Бўстонлиқ), Зиёвиддин Аловиддинов (Тошкент)ларнинг кўрсатган қаҳрамонликлари ўз аксини топган.

Авторнинг образи унинг жангдаги фаолияти, чунончи, қийин ва мураккаб алоқачилик ҳаракатлари тимсолида ярқ этиб кўзга ташланади. Мард ва жасур солдатлардан тузилган алоқачилар бўлинмаси аъзоларини қаҳратон совуқ, ёмғирдек ёғилиб турган ажал ўқлари остида белгиланган топшириқни бажаришдаги матонати Бердиали ака сиймосида жамланганлигини ҳис этиш мумкин.

Алоқачи жангномасининг «Миш-миш ва ҳақиқат» қисми ўзининг қизиқарлилиги ва фактларга бойлиги билан кўзга алоҳида ташланади. Маълумки, Адольф Гитлер, СС бошлиғи Гиммлер, полиция рейхфюрери Герингларнинг урушда енгилгач, ўлимлари билан боғлиқ ҳар хил миш-мишлар тарқалган эди: баъзилар бу шахсларни ҳуфёна йўл билан жон сақлаш мақсадида чет элга қочиб кетишган дейишса, бошқалари «йўқ, улар ўз жонларига қасд қилишган» деган гапларни тарқатишди.

Аслида, Б. Имомовнинг фактларга суяниб эътироф этишича, Гитлер ўз қароргоҳини ўн олти метрлик чуқурликда жойлашган, саккиз метр қалинликда бетон билан қопланган бункерга кўчирган эди (Форс кўрфазидаги яқинда бўлиб ўтган уруш вақтида Ироқ Президенти Саддам Ҳусайн ҳам Германиядан сотиб олган ана шундай бункердан фойдаланган). Бу ерда у овчарка ити-Блонди, тўртта кучукчалари, Ева Браун хоним, фашист армия раҳбари Вейдлинглар ва бошқа ўзига тегишли кишилар билан вақтинча яшашга, урушни шу ердан кузатишга мажбур бўлди. Бироқ тарих ғилдираги унинг учун тескари айланиб, куни битганлигини яққол сезди. Аввал овчарка итини, тўртта кучукчаларни заҳарлади, ундан сўнг Ева Браун ва ўзини... Шу тарика дунёни ларзага келтирган фюрер шармандаларча ҳалокатга учради. Унинг садоқатли вафодори бўлган Геббельс ҳам фожиадан қочиб қутулолмади. У олдинига хотини Магда билан биргаликда «олтита болаларини вахшийларча заҳарлаб — укол қилдириб ўлдиришган». Кейинчалик немис солдатларидан бирига ўзларини ҳам отиб ташлашларини буюришган...

Ёдноманинг «Ленинград дафтари» қисмида 900 кун очлик исканжасида туриб, фашистларга қақшатқич зарба берган ватандошларимизнинг қаҳрамонликлари етарлича ўз аксини топган.

Иккинчи жаҳон урушида азоб-уқубатларни ўз бошидан кечирган, жон олиб, жон берган юртдошимиз Мажид Самадовнинг фидоийлигига бағишланган «Бўш келманг, қуролдош!» қисми қизиқарли ҳаётий эпизодлар асосида ёритилган. Унда тиниб-тинчимас жангчининг ҳозир ҳам қуролдошларини ахтариб топишдаги жонкуярлиги илиқ сатрларда қаламга олинади.

Ватан ва халқ, келажак авлод тақдирини ҳар доим хушёрлик билан ҳимоя этиб туришлик, манфур урушларнинг олдини олишга чақириқ, отабоболаримизнинг тарихий жасоратларини меҳр-муҳаббат билан эслаб, улар анъаналарига содиқ қолишлик сингари руҳ ушбу ёдноманинг бутун моҳиятига сингиб кетган.

Қ. ЖУРАЕВ,
филология фанлари номзоди.



Доимо сафимиздасиз.

В. МОЛГАЧЕВ олган сурат.

БИРИДА ЯХШИ, БИРИДА АКСИ

Қарши район ижроия қўмитасида бўлганимизда жумҳурият Президентининг шахсий ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш тўғрисидаги Фармонларини бажариш силлиқ бораётгандай қилиб кўрсатишди. Райижроқўм раиси Раҳмат Жалилов:

— Бу масала район кенгаши раёсати ва халқ назорати қўмитасида ҳам кўриб чиқилди, — деди. — Тўғри, энди камчиликларимиз ҳам йўқ эмас...

Хўш, ҳақиқий аҳвол қандай?

Тўғри, райондаги энг йирик Карл Маркс номли совхоз тажрибаси тилга олса арзигулик. Коммунист Сероб Хўжақулов тадбиркор директор эмасми, фаоллар билан биргаликда изланди, маблағ топди. Ишни қишлоқ ўртасида кўмилиб ётган ариқни тозалаб, унга сув келтиришдан бошлади.

— Сув келтирган азиз, деган нақл бор, — оҳиста гап бошлади С. Хўжақулов. — Бу ишимиз кўпчиликка маъқул тушди. Аҳолининг якка тартибда уй-жой қуриши ва шахсий ёрдамчи хўжаликлари учун ер ажратиш борасида қатор тадбирлар амалга оширилди. Биргина ўтган йили 920 оилага дала ҳовлиси учун 129,5 гектар, 220 оилага уй-жой қуриш учун 30,4 гектар ер ажратиб бердик. Мавжуд ернинг 81 гектари ҳосилдор, суғориладиган майдон. Ахир, ҳосилдор ер бўлмаса, деҳқон ундан нима наф кўради? Бу йил ҳам аҳолининг эҳтиёжига қараб унумдор ерларни ажратиб беряпмиз. Шахсий ёрдамчи хўжалик учун ажратилган пайкалларда аҳоли қувона-қувона помидор, сабзи-пиёз ва бошқа маҳсулотлар етиштирмоқда. Улар ҳар қарич ердан самарали фойдаланиб, мўмай даромад олишга интилмоқдалар.

Уй-жой қураётганларга ҳам хўжалик ҳисобидан баҳоли-қудрат кўмаклашяпмиз. Арзон нархда қурилиш материаллари сотиб олиб бериляпти.

Бундай ҳайрли ишлар райондаги «Ленин йўли» совхозида ҳам изчиллик билан ташкил қилинмоқда. Хонадонларда қанча кўп маҳсулот етиштирилса, бозорлар шунчалик арзонлашади. Бу табиий, албатта.

Лекин афсуски, ҳамма жойда ҳам аҳвол бирдек эмас. Шаҳар биқинида жойлашган «Қарши» совхози аҳолиси бозорга деҳқончилик маҳсулотлари олиб келиб сотади, деб ўйлайсизми? Қанийди, шундай бўлса. Лекин совхоз территориясида яшовчи аҳоли маҳсулотни фақат бозордан ташишади. Ҳолбуки сабзавот маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган мазкур хўжаликда аҳолининг шахсий хўжалиги ривож топмаётганлигини ана шу фактдан ҳам яққол кўриш мумкин.

Совхозда 284 оилага уй-жой қуриш учун 43 гектар ер, 742 оилага ёрдамчи хўжалик учун 111 гектар ер, жами 154 гектар майдон ажратиш кўзда тутилган эди. Бироқ ҳаммаси бўлиб 130 гектар ер берилди. «Комсомол» қишлоқ Кенгаши махсус қарор билан бу иш билан шуғулланиш бўйича совхоз директори Рўзи Тошев раислигида комиссия тузилган эди. Комиссия фаолияти эса қуруқ қоғозда қолди. Балиқ бошидан, деганларидек, комиссия ишламаса, аҳволни ўнглаш ҳам мушкул бўларкан.

Бир сўз билан айтганда, аҳолини ер билан таъминлаш суст бормоқда. Айрим кишиларнинг аризаси жуда кўп оворагарчиликдан кейингина расмийлаштириляпти. Худойзод қишлоғида яшовчи Тўлқин Жалилов, Дўстмурод Жалиловларнинг ер участкаси олиш тўғрисидаги ҳужжатлари район раҳбарларининг аралашувидан сўнггина расмийлаштирилди.

Давлат хўжалигида аҳолини ер билан таъминлашда аниқ тартиб йўқ, десак хато қилмаймиз. Баъзи кишиларга архитектор Я. Турсуновнинг ўзбошимчалиги билан асоссиз равишда ер ўлчаб берилган. Айрим ишчиларга била туриб носоз ерлар тақдим этиляпти. Масалан, «Комсомол» қишлоғида яшовчи Аҳад Авазовга ёпиқ дренажнинг устидан уй-жой майдони ўлчаб берилганлиги ёки Содиқ Мўминов, Собир Мўминовларга берилган жойларни совхозга мутлақо алоқасиз кишилар эгаллаб олганлигига тоқат қилиш қийин.

Бу ҳол «Қарши» совхозида ягона факт эмас. Аҳолига деҳқончилик қилиш учун ноқулай, иморат қуриш учун катта меҳнат талаб қиладиган нобоп ерлар ажратиб берилаётгани тўғрисида мухбирлик пунктимизга ҳам шикоятлар тушган. Хўжалик раҳбарлари бу ишда масъулиятни сезган ҳолда аниқ тартиб ўрнатишлари зарур.

Райондаги «Москва» совхозида 308 нафар оилага 81,7 гектар ер ажратилганлиги ҳақида маълумотномада рақамлар кўзга ташланади. Аслида ажратилган майдонларнинг бир қисмига чигит ва дон экилганлиги ҳам сир эмас. Шунингдек, «Ленинизм», Собир Раҳимов номли совхозлар ва «Коммунизм» колхозида ҳам дала шийпонлари ва боғ-роғлар, тутзорлар жойлашган майдонлар шахсий хўжаликларга берилган, деб расмийлаштирилган. Хўш, хўжакўрсинга бундай иш тутиш кимга фойда-ю, кимга зарар?!

Шу ўринда яна бир ҳақли эътироз туғилади. Томорқа участкаси олган айрим кишилар ернинг умрини бекор ўтказишяпти. «Таллиқўрон» қишлоқ Кенгашининг 1991 йил март ойидаги қарори билан «Ленин йўли» совхозининг ўн оиласидан 17 гектар ер қайтариб олинди. Ерга юзаки муносабатда бўлганларга нисбатан тўғри йўл тутилган, деб ўйлаймиз. Шундай экан, райондаги бошқа қишлоқ Кенгашлари ва хўжаликларнинг маъмуриятлари, партия ташкилотлари ерни қадрлаш, унинг умрини бекор ўтказмаслик ҳақида қайғурмоқлари лозим!

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

МУҲАББАТ РАМЗИ

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институтида Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига бағишланган илмий-назарий конференция ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Фанлар академияси Адабиёт институтининг таниқли олимлари М. Қўшжонов, А. Ҳайитметов, А. Абдуғафуров, шунингдек, навоийшунос олима Суйима Ғаниевалар қатнашиб, бобокалон шоир ҳаёти ва ижодига оид дил сўзлари билан ўртоқлашдилар.

Илмий анжуманда институт ўзбек тили ва адабиёти кафедрасининг мудири Ҳ. Қудратуллаев «Навоий ва унинг Афғонистондаги қадамжолари», шу кафедранинг ўқитувчиси О. Жумаев «Навоий — ўзбек адабий тилининг асосчиси» мавзуларида маъруза қилдилар.

Конференция сўнгида институтнинг «Ором» халқ дастаси Навоий ғазаллари асосида тузилган концерт дастурини намойиш этди.

Т. МАҚСУДОВ,
институт доценти.

СПОРТ

СОВРИН УЧУН КУРАШ

Спортнинг кўпгина турлари қатори курашга ихлос қўйганлар ҳам маҳоратларини йирик баҳсларда синаб кўришга интилмоқдалар. Зотан, мамлакат дзюдочиларининг бироз омадлари юришмади. Улар яна икки ойдан кейин Барселона шаҳрида бошланадиган жаҳон чемпионатига тайёргарликнинг асосий босқичларидан саналган Европа биринчилигида жамоа ҳисобида иккинчи ўрин билан қаноатланишди. Мутахассисларнинг фикрига қараганда, мамлакат терма жамоаси кўпроқ грузин полвонларидан иборат бўлган ва улар мавқеини мустаҳкамлашга муносиб улуш қўшиб келганлар. Афсуски, ғурзин полвонлари бундай баҳслардан бош тортиб туришибди. Мусобақада иштирок этган иқтидорли полвон, мамлакат чемпиони тошкентлик Шуҳрат Ғофуровнинг ҳам омади келмади. У кутилмаганда лат еб, курашга тушолмай қолди. Ўйлаймизки, полвонларимиз жаҳон чемпионатига зўр тайёргарлик билан бориб, кўпчилик ишончини оқлашга ҳаракат қиладилар.

Италия йўллари бўйлаб ўтказилаётган кўп кунлик халқаро пойга иштирокчиси Жамолиддин Абдужабборов совринли ўринлардан бирини олишга бел боғлаган. Лекин баҳс муросасиз ва қизғин тус олмоқда. Ҳар бир велосипедчи марра сари астойдил интилмоқда. Ғолиблар тақдирини дақиқалар ҳал қилмоқда. Шунинг учунми Жамолиддин саккизинчи босқич — 163 километрли йўлда ҳамроҳларидан саккиз дақиқа ортда қолиб, маррада 12- бўлди.

Олий лига футбол жамоалари ўртасида 14-тур ўйинлари бошланди. «Локомотив» — «Черноморец» учрашувида ҳисоб очилмади. Бугун «Пахтакор» футболчилари «Арарат» майдонида ўйнайдилар.

• *Янги қонунни шарҳлаймиз*

КОРХОНА ЭРКИНЛИГИ ДАХЛСИЗ

Жумҳуриятимиз ҳаётида унинг иқтисодий, айниқса ҳуқуқий ривожланишида сезиларли силжишлар бўляпти. Ана шулардан бири жумҳуриятимизда корхоналар тўғрисидаги Қонуннинг қабул қилинишидир.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг тўртинчи сессиясида ушбу Қонуннинг қабул қилиниши янгиланган федерация доирасида Ўзбекистоннинг сиёсий ва иқтисодий мустақилликка эришиши ҳамда мустақил давлат сифатида тан олиниши учун муҳим қадам бўлди. Ушбу ҳужжатда келажакда вужудга келувчи корхона, ташкилот, муассаса ва хўжаликлар маданий-иқтисодий ҳаётида демократик шароит ва миллий ўзига хосликни сақлаш ҳам назарда тутилган.

Албатта, ССР Иттифоқининг 1990 йил 4 июнда «СССРда корхоналар тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинган эди. Дарҳақиқат, Қонуннинг корхона раҳбарлари ва мансабдор шахсларни тайинлаш ва бўшатиш масалаларини тартибга солдиган IV-бўлими у эълон қилинган пайтдан, кўпчилик моддалари эса 1991 йилнинг январидан кучга киритилганди.

Ўзбекистон ССРдаги корхоналар тўғрисидаги Қонун Иттифоқникидан нималари билан фарқ қилади, — деган савол туғилиши табиий. Биринчидан, бу қонунда Ўзбекистон ССРнинг ўзига хос иқтисодий, ижтимоий, миллий, нуфус, социал хусусиятларини акс эттириш га катта эътибор берилган.

Иккинчидан, у асосан жумҳуриятнинг иқтисодиётини мустаҳкамлашга қаратилган. Унда халқнинг келажагини назарда тутувчи ҳуқуқий йўналиш ва нормалар мавжуд. Қолаверса, корхоналар ҳуқуқий муносабатларга киришаётган бир пайтда улар мустақил эканлиги аниқ ёзиб қўйилган. Яъни, хўжаликни юритиш шаклини корхонанинг ўзи танлаб олиш, шартномаларни сўзсиз бажариш, иқтисодий ва бошқа муносабатларда ҳам бир-бирини қўллаб-қувватлаш каби мустақилликлар берилган.

Шунингдек, мазкур Қонун корхоналарнинг иқтисодий ва ҳуқуқий мустақиллигини янада кенгайтиради. Бошқача айтганда, ўз мулки тақдирига ўзи мутасадди бўлишига кенг имконият яратилган. Бизнинг фикримизча, бу Қонуннинг диққатга сазовор томони яна шундан иборатки, унда меҳнат жамоаларига кенг ҳуқуқлар ва имтиёзлар берилиб, фуқаролар давлат мол-мулкини сотиб олиши, корхонани ижарага олиши, ҳатто шартномалар тузиши мумкин.

Мулк ҳуқуқининг эгаси корхона раҳбарини ёллаши (тайинлаши) корхонани тафтиш қилиш учун комиссия тузиши, ҳамда бу мулкнинг ҳуқуқий оқибатини ўзгартириши ҳам мумкин. Шунингдек, илгари энг мураккаб масалалардан бири саналган, яъни корхонани моддий-техника билан таъминлаш ва маҳсулотини сотиш (реализация қилиш), бозор талабларини ўрганиш ва нарх-наво тўғрисидаги муаммо ишлар ҳам корхонанинг ўз ихтиёрига ўтди.

Корхоналарнинг кўпчилик имкониятлари қаторида давлат буюртмасини қабул қилиш ҳам ихтиёрий асосда амалга оширилиши айниқса диққатга сазовордир. Албатта, бундан баъзи бир давлат мулки асосида вужудга келган корхоналар истиснодир.

Бундай янгиликнинг вужудга келиши бир томондан корхоналар фаолиятини яхшилайди, уни самарали ишлашга ундайди. Иккинчи томондан эса давлат томонидан бериладиган буюртмалар миқдорини чегаралайди ва корхоналар учун кўпроқ мустақиллик яратилади.

Ходимларнинг меҳнат даромадлари, корхона туридан қатъи назар, ишининг пировард натижалари билан, яъни уларнинг меҳнати ва қўшган шахсий улуши билан белгиланади.

Олинган соф фойда, дейилади Қонунда, корхона тасарруфига ўтади ва ундан фойдаланишни ҳам унинг ўзи мустақил равишда белгилайди. Фойданинг бир қисмини корхона ўз жамоа аъзоларига мулк қилиб бериш ҳуқуқига эга бўлади.

Бу Қонунни қабул қилишдан асосий мақсад, жумҳуриятимизнинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигини таъминлаш билан бир қаторда, унда мавжуд бўлган корхоналарнинг барча турларини ва ишлаб чиқаришни, унинг сифатини ривожлантиришдир. У келажакда яхши самаралар беради, деган умиддамиз.

М. АБДУСАЛОМОВ,
Ўзбекистон ССР адлия вазирлигининг биринчи ўринбосари.
О. ЭРНАЗАРОВ,
вазирликнинг бўлим бошлиғи, юридик фанлари номзоди.

АХБОРОТ

МЕҲНАТ БИРЖАСИ

Бухоро шаҳар Кенгаши ҳузурида меҳнат биржасини ташкил қилишга ҳозирлик кўрилмоқда.

Кўпгина меҳнат ресурслари фойдаланилмаётган вилоят маркази учун бу жуда муҳим масаладир. Эндиликда мазкур биржанинг розилигисиз бирон корхона ёки ташкилот ишчи-хизматчиларни оммавий бўшатишни амалга ошира олмайди. Биржа аҳолини иш билан таъминлаш ташвишларини ўз зиммасига олади.

ЛИБОСЛАР КИЙГАНЛАРГА ЯРАШСИН

Бухоро тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида тўла механизациялаштирилган янги линия фойдаланишга топширилди.

Унда хорижда ишлаб чиқарилган буғ дазмоллари ва бошқа ускуналар янги ўқув йили учун болаларга мўлжаллаб ишлаб чиқарилаётган ўқувчилар либослари сифатини кескин оширади.

ЭЛЕКТРОН ТЕЛЕФОНЛАР

Олот районидаги «Шарқ юлдузи» ва Ленин номли жамоа хўжаликларида вилоятда биринчи бўлиб Квази электрон телефон станциялари ўрнатилди.

Янги станцияларга хизмат кўрсатиш учун махсус киши ажратишнинг зарурати йўқ. Станциянинг техник жиҳатдан бузилишлари ҳам автоматик тарзда аниқланиб, дарҳол маркага ахборот берилади.

Н. НАЙМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, А. С. УСМОНОВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент–ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 31-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, партия турмуши — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; совет қурилиши — 33-15-29, 32-57-20, 32-54-18; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583. Буюртма № 5381.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Босишга топширилди — 20.50.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

ЎЗБЕКИСТОН ССР СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТИББИЁТ (ФАРМАЦЕВТИКА) ВА ЎРТА МАХСУС ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА

1991–1992 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

БИРИНЧИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

(Тошкент шаҳри, К. Маркс кўчаси, 103-уй, телефон: 67-63-05)
Даволовчи шифокорлар, стоматологларни тайёрлайди.

ИККИНЧИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

(Тошкент шаҳри, Форобий кўчаси, 2-уй, телефон: 46-83-11)
Даволовчи шифокорлар, санитар шифокорларни тайёрлайди.

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

(Андижон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 136-уй, телефон: 5-26-92)
Даволовчи шифокорлар, педиатрлар (болалар шифокорлари)ни тайёрлайди.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ АКАДЕМИК И. П. ПАВЛОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

(Самарқанд шаҳри, Житомир кўчаси, 6-уй, телефон: 3-07-66)
Даволовчи шифокорлар, педиатрлар (болалар шифокорлари)ни тайёрлайди.

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

(Тошкент шаҳри, Чермет кўчаси, 103-уй, телефон: 62-53-50)
Педиатрлар (болалар шифокорлари)ни тайёрлайди.

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА (ДОРИШУНОСЛИК) ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

(Тошкент шаҳри, Кафанов кўчаси, 35-уй, телефон: 56-37-38)
Провизорларни тайёрлайди.

БУХОРО ТИББИЁТ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

(Бухоро шаҳри, Б. Хмельницкий кўчаси, 3-уй)
Даволовчи шифокорларни тайёрлайди.

АРИЗАЛАР 25 ИЮНДАН 15 ИЮЛГА ҚАДАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Олий ўқув юртига кирувчилар танланган факультетини кўрсатиб ректор номига ариза ёзадилар. Аризага ўрта маълумоти ҳақидаги ҳужжат (асли), 086/У намунадаги тиббий шаҳодатнома, ҳужжат учун 3х4 см. ҳажмидаги 6 та фотосуратни қўшиб топширадилар.

Кириш имтиҳонлари 16 июлда бошланади.

Ўқишга кирувчилар учта танловли имтиҳон топширадилар: кимё биология, ўзбек ёки рус тилидан (абитуриентнинг хоҳишига кўра) диктант.

Иқтисосга оид фан — кимё.

Бухоро тиббиёт олий билимгоҳида биология ўрнига физикадан имтиҳон белгиланган.

И. ОХУНБОБОЕВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА ТИББИЁТ БИЛИМ ЮРТИ

(Тошкент шаҳри, Барнаул кўчаси, 9-уй, телефон: 48-07-91)
Тиббий ҳамшираларни, фармацевтлар, фельдшер-лаборантлар, санитар фельдшерларни тайёрлайди.
Кечки бўлим «Ҳамширалик иши» ихтисоси бўйича мутахассисларни тайёрлайди.

РЕСПУБЛИКА ЭЛЕКТРОТЕХНИКА ТИББИЁТ ТЕХНИКУМИ

(Тошкент шаҳри, Чилонзор даҳаси, Нурхон кўчаси, 16-уй, телефон: 77-55-35)
Тиш техниклари, тиббий оптика, тиббиёт асбобларини монтаж қилувчи ва созловчи техниклар, тиббий ҳамшираларни тайёрлайди.
Кечки бўлим «Ҳамширалик иши» ихтисоси бўйича мутахассисларни тайёрлайди.

П. Ф. БОРОВСКИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ТИББИЁТ БИЛИМ ЮРТИ

(Тошкент шаҳри, Ремесленная кўчаси, 8-уй, телефон: 33-41-75)
Фельдшерлар, тиббий ҳамшираларни тайёрлайди.
Кечки бўлим «Ҳамширалик иши» ихтисоси бўйича мутахассисларни тайёрлайди.

ТОШКЕНТ ШАҲАР 2-ТИББИЁТ БИЛИМ ЮРТИ

(Тошкент шаҳри, Озод кўчаси, Культиваторний тор кўчаси, 16-уй, телефон: 44-32-25).
Фельдшерлар, тиббий ҳамшираларни тайёрлайди.
Кечки бўлим «Ҳамширалик иши» ихтисоси бўйича мутахассисларни тайёрлайди.

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ КЛИНИКАЛАРИНИНГ ТИББИЁТ БИЛИМ ЮРТИ

(Тошкент шаҳри, Шифокорлар шаҳарчаси, 6-ётоқхона, телефон: 46-24-35)
Тиббий ҳамшираларни тайёрлайди.
Кечки бўлим «Ҳамширалик иши» ихтисоси бўйича мутахассисларни тайёрлайди.

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИНИНГ ТИББИЁТ БИЛИМ ЮРТИ

(Тошкент шаҳри, Чермет кўчаси, 103-уй, телефон 62-53-25).
Тиббий ҳамшираларни тайёрлайди.

ЧИРЧИҚ ТИББИЁТ БИЛИМ ЮРТИ

(Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Ломоносов кўчаси, 7-уй; телефон: 5-10-05)
Акушеркалар, тиббий ҳамшираларни тайёрлайди.

ЯНГИЙЎЛ ТИББИЁТ БИЛИМ ЮРТИ

(Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри, Ниёзбоши кўчаси, 39-уй, телефон: 5-51-06)
Фельдшерлар, тиббий ҳамшираларни тайёрлайди.

БЕКОБОД ТИББИЁТ БИЛИМ ЮРТИ

(Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, Николаев кўчаси, 18-уй, телефон: 40-00)
Фельдшерлар, тиббий ҳамшираларни тайёрлайди.
Кечки бўлим «Ҳамширалик иши» ихтисоси бўйича мутахассисларни тайёрлайди.

АНГРЕН ТИББИЁТ БИЛИМ ЮРТИ

(Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Пушкин кўчаси, 6-уй, телефон: 3-47-71)
Акушеркалар, тиббий ҳамшираларни тайёрлайди.
Кечки бўлим ва Олмалиқ филиали «Ҳамширалик иши» ихтисоси бўйича мутахассисликларни тайёрлайди.

ГУЛИСТОН ТИББИЁТ БИЛИМ ЮРТИ

(Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, Ленин кўчаси, 6-уй, телефон: 2-32-09)
Фельдшерлар, акушеркалар, тиббий ҳамшираларни тайёрлайди.
Кечки бўлим «Ҳамширалик иши» ихтисоси бўйича мутахассисларни тайёрлайди.

ЖИЗЗАХ ТИББИЁТ БИЛИМ ЮРТИ

(Жиззах шаҳри, Ленин кўчаси, 216-уй, телефон: 3-47-57)
Фельдшерлар, акушеркалар, тиббий ҳамшираларни тайёрлайди.
Кечки бўлим «Ҳамширалик иши» ихтисоси бўйича мутахассисларни тайёрлайди.

ҚЎҚОН ТИББИЁТ БИЛИМ ЮРТИ

(Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри, Горький кўчаси, 71-уй, телефон: 2-24-93).
Фельдшерлар, акушеркалар, тиббий ҳамширалар, фельдшер-лаборантлар, санитар фельдшерларни тайёрлайди.
Кечки бўлим «Ҳамширалик иши» ихтисоси бўйича мутахассисларни тайёрлайди.

МАРҒИЛОН ТИББИЁТ БИЛИМ ЮРТИ

(Марғилон шаҳри, Қизил аскар кўчаси, 16-уй, телефон: 3-34-18)
Фармацевтлар, тиббий ҳамширалар, акушеркаларни тайёрлайди.
Кечки бўлим «Ҳамшира иши» ихтисоси бўйича мутахассисларни тайёрлайди.

ФАРҒОНА ТИББИЁТ БИЛИМ ЮРТИ

(Фарғона шаҳри, К. Маркс кўчаси, 35-уй, телефон: 4-57-10)
Тиббий ҳамшираларни тайёрлайди.
Кечки бўлим «Ҳамширалик иши» ихтисоси бўйича мутахассисларни тайёрлайди.

И. Г. ЗИЁЕВ НОМЛИ АНДИЖОН ТИББИЁТ БИЛИМ ЮРТИ

(Андижон шаҳри, Ғалаба шоҳ кўчаси, 30-уй, телефон: 5-84-80)
Акушеркалар, фельдшер-лаборантлар, санитар фельдшерлар, тиббий ҳамшираларни тайёрлайди.
Кечки бўлим «Ҳамширалик иши» ихтисоси бўйича мутахассисларни тайёрлайди.
Бўз филиали худди шу ихтисос бўйича кундузги таълимда мутахассислар тайёрлайди.

Э. И. ОТАХОНОВ НОМЛИ НАМАНГАН ТИББИЁТ БИЛИМ ЮРТИ

(Наманган шаҳри, Совет кўчаси, 20-уй, телефон: 6-26-10)
Фельдшерлар, акушеркалар, фельдшер-лаборантлар, тиббий ҳамшираларни тайёрлайди.
Кечки бўлим «Ҳамширалик иши» ихтисоси бўйича мутахассисларни тайёрлайди.

В. ИВАНОВ НОМЛИ САМАРҚАНД ТИББИЁТ БИЛИМ ЮРТИ

(Самарқанд шаҳри, Сўғдиёна даҳаси, телефон: 2-77-53)
Фельдшерлар, тиббий ҳамширалар, акушеркаларни тайёрлайди.
Кечки бўлим «Ҳамширалик иши» ихтисоси бўйича мутахассисларни тайёрлайди.

КАТТАҚЎРҒОН ТИББИЁТ БИЛИМ ЮРТИ

(Самарқанд вилояти, Каттақўрғон шаҳри, К. Маркс кўчаси, 91-уй, телефон: 5-25-30)
Тиббий ҳамшираларни тайёрлайди.

БУХОРО ТИББИЁТ БИЛИМ ЮРТИ

(Бухоро шаҳри, Киров кўчаси, 50-уй, телефон: 3-12-60)
Тиббий ҳамширалар, санитар фельдшерлар, фельдшер-лаборантларни тайёрлайди.
Кечки бўлим «Ҳамширалик иши» ихтисоси бўйича мутахассисларни тайёрлайди.

Н. И. ПИРОГОВ НОМЛИ ҚАРШИ ТИББИЁТ БИЛИМ ЮРТИ

(Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Ленин кўчаси, 54-уй, телефон: 4-36-48)
Фельдшерлар, акушеркалар, санитар фельдшерлар, тиббий ҳамшираларни тайёрлайди.
Кечки бўлим «Ҳамширалик иши» ихтисоси бўйича мутахассисларни тайёрлайди.

ШАҲРИСАБЗ ТИББИЁТ БИЛИМ ЮРТИ

(Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз шаҳри, Гагарин кўчаси, телефон 3-43-58)
Тиббий ҳамшираларни тайёрлайди.
Кечки бўлим «Ҳамширалик иши» ихтисоси бўйича мутахассисларни тайёрлайди.

ТЕРМИЗ ТИББИЁТ БИЛИМ ЮРТИ

/Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Октябрь кўчаси, Комсомол тор кўчаси, 64-уй, телефон 2-58-15/

Фельдшерлар, тиббий ҳамшираларни тайёрлайди.
Кечки бўлим «Ҳамширалик иши» ихтисоси бўйича мутахассисларни тайёрлайди.

ХИВА ТИББИЁТ БИЛИМ ЮРТИ

/Хоразм вилояти, Хива шаҳри, Мир кўчаси, 2-уй, телефон 5-30-76/
Акушеркалар, тиббий ҳамшираларни тайёрлайди.

НУКУС ТИББИЁТ БИЛИМ ЮРТИ

/ҚҚАССР, Нукус шаҳри, Калинин кўчаси, 112-уй, телефон 2-25-65/

Фельдшерлар, акушеркалар, санитар фельдшерлар, тиббий ҳамшираларни тайёрлайди.
Кечки бўлим «Ҳамширалик иши» ихтисоси бўйича мутахасисларни тайёрлайди.

ТЎРТКЎЛ ТИББИЁТ БИЛИМ ЮРТИ

(ҚҚАССР, Тўрткўл шаҳри, Тўрткўл узун кўчаси, телефон: 2-41-07)
Тиббий ҳамшираларни тайёрлайди.
Кечки бўлим «Ҳамширалик иши» ихтисоси бўйича мутахассисларни тайёрлайди.

ШЕРОБОД ТИББИЁТ БИЛИМ ЮРТИ

(Сурхондарё вилояти, Шеробод шаҳри, Степная кўчаси 6-уй, телефон 2-17-41)
Тиббий ҳамшираларни тайёрлайди.

ҒИЖДУВОН ТИББИЁТ БИЛИМ ЮРТИ

(Ғиждувон шаҳри, Жданов кўчаси, телефон 2-35-25)
Тиббий ҳамшираларни тайёрлайди.

НАВОИЙ ТИББИЁТ БИЛИМ ЮРТИ

/Навоий шаҳри, Южная кўчаси, телефон 3-07-40/
Тиббий ҳамшираларни тайёрлайди.
Кечки бўлим «Ҳамширалик иши» ихтисоси бўйича мутахассисларни тайёрлайди.

САМАРҚАНД ТИББИЁТ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИНИНГ ТИББИЁТ БИЛИМ ЮРТИ

/Самарқанд шаҳри, Даҳбет кўчаси, 31-уй, телефон 5-45-04/
Тиббий ҳамширалар, фельдшер лаборантларни тайёрлайди.
Кечки бўлим «Ҳамширалик иши» ихтисоси бўйича мутахассисларни тайёрлайди.

ЛЕНИНСК ТИББИЁТ БИЛИМ ЮРТИ

/Андижон вилояти, Ленинск шаҳри, Киров кўчаси, 11-уй, телефон 2-36-84/
Тиббий ҳамшираларни тайёрлайди
Кечки бўлим «Ҳамширалик иши» ихтисоси бўйича мутахассисларни тайёрлайди.

КОСОНСОЙ ТИББИЁТ БИЛИМ ЮРТИ

/Наманган вилояти, Косонсой шаҳри, Гулистон кўчаси, 2-уй/
Тиббий ҳамшираларни тайёрлайди

ДЎСТЛИК ТИББИЁТ БИЛИМ ЮРТИ

/Жиззах вилояти, Дўстлик шаҳри, Мичурин кўчаси, 13-уй, телефон 5-53-16/
Тиббий ҳамшираларни тайёрлайди

ЧОРТОҚ ТИББИЁТ БИЛИМ ЮРТИ

/Наманган вилояти, Чортоқ шаҳри, Янгиқўрғон кўчаси, 33-уй, телефон 2-22-50/
Тиббий ҳамшираларни тайёрлайди

ЧУСТ ТИББИЁТ БИЛИМ ЮРТИ

(Чуст шаҳри, 10-Бешйиллик кўчаси, 39-уй, телефон 3-26-62)
Тиббий ҳамшираларни тайёрлайди.

ЯНГИЕР ТИББИЁТ БИЛИМ ЮРТИ

/Сирдарё вилояти, Янгиер шаҳри, Лойиҳачилар кўчаси, 1-уй, телефон 3-25-33/
Тиббий ҳамшираларни тайёрлайди

ДЕНОВ ТИББИЁТ БИЛИМ ЮРТИ

/Сурхондарё вилояти, Денов шаҳри, Чуйков кўчаси, 18-уй, теллефон 9-45-34/
Тиббий ҳамшираларни тайёрлайди.

УРГАНЧ ТИББИЁТ БИЛИМ ЮРТИ

/Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 25-уй, телефон 6-96-16/
Тиббий ҳамшираларни тайёрлайди.
Кечки бўлим «Ҳамширалик иши» ихтисоси бўйича мутахассисларни тайёрлайди.

ХЎЖАОБОД ТИББИЁТ БИЛИМ ЮРТИ

(Андижон вилояти, Хўжаобод шаҳри, тиббиёт билим юрти, телефон 2-25-69).
Тиббий ҳамшираларни тайёрлайди.

ҒАЛЛАОРОЛ ТИББИЁТ БИЛИМ ЮРТИ

/Жиззах вилояти, Ғаллаорол шаҳри, Ленин кўчаси, 22-уй, телефон 2-25-69/
Тиббий ҳамшираларни тайёрлайди.

Ўзбекистон республикасидаги барча тиббиёт билим юртларида ўқитиш умумтаълим мактабларининг 10-синфи негизида олиб борилади.

Таълимнинг барча шаклларига ёшидан қатъий назар барча хоҳловчилар қабул қилинади.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асли, турар жойидан, соғлиқни сақлаш муассасаси томонидан берилган 086/У намунасидаги тиббий шаҳодатнома, амалий меҳнат фаолиятига эга бўлганлар учун меҳнат дафтарчасидан кўчирма (У кадрлар бўлими ёки корхона раҳбари томонидан тасдиқланган бўлиши керак. Кечки бўлимга кирувчилар учун бу кўчирма албатта зарур), ҳужжатлар учун 3х4 см. ҳажмдаги 4 дона фотосурат.

Паспорт, туғилганлиги ҳақида гувоҳнома ва ҳарбий хизматга муносабатига оид ҳужжатлар қабул комиссиясига шахсан кўрсатилади.

Ўрта тиббиёт ўқув юртларига кирувчилар она (рус) тили ва адабиётдан ёзма (диктант тариқасида); бундан ташқари «Акушерлик, даволаш, «ҳамширалик иши» ихтисослигига кирувчилар биологиядан иккинчи кириш имтиҳонини топширадилар. «Лабаратория ташхиси, санитария, гигиена, эпидемнология, фармация» ихтисослигига кирувчилар кимёдан иккинчи кириш имтихонини топширадилар. Жумҳурият электр техника тиббиёт техникумида «Тиббий оптика ва монтаж, тиббий техникага техника хизмати кўрсатиш ва уни таъмирлаш» бўлимларига кирувчилар учун математикадан (оғзаки) иккинчи кириш имтиҳони белгиланган..

Тиш техниклиги бўлимида дастлаб ихтисос бўйича имтиҳон ўтказилади, кимёдан (ёзма) иккинчи имтиҳон белгиланган.

Тиббиёт билим юртлари абитурентларни йиғиш ва ўқувчилар сафига қабул қилишни вилоятлар, районлар, нуқтаи назаридан барча ихтисослар (бўйича) мақсадли қабул асосида амалга оширади.

Мақсадли қабул шартларида кирувчилар ўқишга қабул қилишда имтиёзлардан фойдаланадилар; тиббиёт билим юртини битиргач ўз турар жойларига ишга юбориладилар.

Қорақалпоғистон Мухтор республикаси учун- фельдшер акушеркалар, санитар-фельдшерларни — Нукус тиббиёт билим юрти; фармацевтлар, фельдшер-лаборантлари — Республика тиббиёт билим юрти тайёрлайди.

Наманган вилояти учун: акушеркалар, фельдшерлар, фельдшер-лаборантлар, санитар-фельдшерларни — Наманган тиббиёт билим юрти; фармацевтларни — Марғилон тиббиёт билим юрти тайёрлайди.

Самарқанд вилояти учун: акушеркалар, фельдшерларни-Самарқанд тиббиёт билим юрти; фармацевтларни-республика тиббиёт билим юрти; санитар фельдшерларни-Қарши тиббиёт билим юрти; фельдшер-лаборантларни-Самарқанд тиббиёт олий билимгоҳининг тиббиёт билим юрти тайёрлайди

Сирдарё вилояти учун: акушеркалар ва фельдшерларни Гулистон тиббиёт билим юрти; фельдшер-лаборантлар, санитар фельдшерлар, фармацевтларни республика тиббиёт билим юрти тайёрлайди.

Жиззах вилояти учун: акушеркалар ва фельдшерларни-Жиззах тиббиёт билим юрти; фельдшер-лаборантлар ва санитар фельдшерларни—Бухоро тиббиёт билим юрти; фармацевтларни-республика тиббиёт билим юрти тайёрлайди.

Андижон вилояти учун: акушеркалар, фельдшер-лаборантлар, санитар фельдшерларни-Андижон тиббиёт билим юрти; фельдшерларни-Наманган тиббиёт билим юрти; фармацевтларни-Марғилон тиббиёт билим юрти тайёрлайди.

Қашқадарё вилояти учун: фельдшер, акушеркалар, санитар-фельдшерларни — Қарши тиббиёт билим юрти; фармацевтларни — республика тиббиёт билим юрти; фельдшер-лаборантларни-Бухоро тиббиёт билим юрти тайёрлайди

Сурхондарё вилояти учун: акушеркалар, санитар-фельдшерларни-Қарши тиббиёт билим юрти; фармацевтлар ва фельдшер-лаборантларни республика тиббиёт билим юрти тайёрлайди.

Фарғона вилояти учун: акушеркалар, фельдшерлар, фельдшер-лаборантлар, санитар фельдшерларни-Қўқон тиббиёт билим юрти; акушеркалар ва фармацевтларни-Марғилон тиббиёт билим юрти тайёрлайди.

Тошкент вилояти учун: акушеркаларни — Чирчиқ ва Ангрен тиббиёт билим юртлари; фельдшерларни-Янгийўл ва Бекобод тиббиёт билим юртлари; фельдшер-лаборантлар, санитар фельдшерлар ва фармацевтларни республика тиббиёт билим юрти тайёрлайди

Бухоро вилояти учун: акушерлар, фельдшер-лаборантлар, санитарлар фельдшерларни—Бухоро тиббиёт билим юрти; фармацевтларни-республика тиббиёт билим юрти тайёрлайди.

Хоразм вилояти учун: акушеркаларни—Хива тиббиёт билим юрти фельдшерлар ва санитар фельдшерларни—Нукус тиббиёт билим юрти; фармацевтлар ва фельдшер-лаборантларни—республика тиббиёт билим юрти (бу ерда санитар фельдшерлар ҳам ўқиши мумкин) тайёрлайди.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ УЧУН БАРЧА ИХТИСОСЛАРДАГИ МУТАХАССИСЛАР ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ТИББИЁТ БИЛИМ ЮРТЛАРИДА ТАЙЁРЛАНАДИ.

Республика электр техника тиббиёт техникуми вилоятларнинг соғлиқни сақлаш бўлимларининг талабномаларидаги мутахассисларга бўлган эҳтиёж миқдорини ҳисобга олган ҳолда умуман бутун жумҳурият учун мутахассислар тайёрлаб чиқарилади.

Хўжалик шартномасси асосида ўқишга кирувчи абитуриентлар (ўқиш учун корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ҳақ тўлайдиган ҳолларда) танловсиз ўқувчилар сафига қабул қилинадилар.

ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ВА МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ 1-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1991—1992 ўқув йили учун
ЙИГИТ — ҚИЗЛАРНИ

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқишга 9—11-синфларни битирган ва Совет Армияси сафларидан запаста бўшатилган Тошкент шаҳри ва унинг атрофида яшовчилар қабул қилинадилар.

БИЛИМ ЮРТИ ТЕМИРЙЎЛ ТРАНСПОРТИ УЧУН ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ.

Тепловоз машинисти ёрдамчиси, электровоз машинисти ёрдамчиси, контакт тармоқлари электромонтёри, пассажир вагони проводниги (қизлар).

11-СИНФНИ ТУГАТГАНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
Ўқиш муддати — бир йил.

Тепловоз машинисти ёрдамчиси, электровоз машинисти ёрдамчиси, контакт тармоқлари электромонтёри, токарь, электр-газ пайвандчи, тепловозлар учун чилангарлар, авточилангарлар.

9-СИНФНИ ТУГАТГАНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
Ўқиш муддати — уч йил.

Токарь, тепловозлар ремонти учун чилангарлар, чилангар-сантехник, газ пайвандчи.

ЎРТА МАЪЛУМОТСИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
Ўқиш муддати — икки йил.

Уч йиллик ўқишга қабул қилинганлар бепул овқат, кийим-бош билан таъминланадилар. Уларга база корхонасида ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 50 фоизи тўланади.

9-синфни битириб ўқишга кирганлар танлаган ихтисосини эгаллаш билан бир қаторда ўрта маълумот олишни ҳам давом эттирадилар. Ўқув курсини тугатганларидан сўнг уларга эгаллаган ихтисосига кўра ва ўрта маълумот олганлиги ҳақида диплом берилади.

ЎҚИШ ВАҚТИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Аълочилар олий ўқув юртлари ва ўрта махсус ўқув юртларига йўлланма оладилар.

Билим юрти ётоқхона, спорткомплексига эга, техника ижодкорлиги ва бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ишлаб турибди.

Ўқиш рус тилида олиб борилади.

Билим юртини тугатганлар темир йўл транспорти ходимларига бериладиган барча имтиёзлардан фойдаланадилар, шу жумладан бир йилда бир маротаба Совет Иттифоқининг истаган ерига текинга бориб келишлари мумкин.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар зарур: паспорт (ёки туғилганлик тўғрисида гувоҳнома), маълумоти ҳақида ҳужжат, турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, ариза, 8 та фотосурат (3х4), эмланганлиги ҳақида мактабдан справка, темир йўл поликлиникасидан (тиббий справка).

ЎҚИШ — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Слоним кўчаси, 113-уй (15, 23, 48, 61, 154-автобусларнинг «Слоним кўчаси» бекати; 3, 23-трамвайларнинг «М. Ашрафий кўчаси» бекати).

№ 107. ● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000 Тошкент ГСП. Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12